

## ТАНЛОВ ТЎҒРИСИДА БИЛИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Конкурда ким қатнаша олади?

Конкурда камида бакалавр даражасига эга бўлган олий маълумотли ёш мутахассислар\* ёки эълон қилинган мутахассисликлар бўйича ОТМларининг охириг босқичида таҳсил олаётган талабалар қатнашишлари мумкин.

*\*фақатгина эълон қилинган мутахассисликлар бўйича*

### 2. Конкурда чет эл фуқароси қатнаша оладими?

Танловда фақат Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эга.

### 3. Ёш жиҳатидан чегараланишлар борми?

Танловда 35 ёшдан катта бўлмаган фуқаролар қатнашиш имкониятига эга.

### 4. Фонд грантини қўлга киритишни истаган республикамиз ҳамда чет эл олий таълим муассасаларини муваффақиятли битирган иқтидорли ва истеъдодли йигит-қизларга қўйиладиган асосий талаблар:

фаолиятини миллий истиқлол ғояларига бағишлаш, Ватани ва халқининг иқтисодий ва маънавий равнақига хизмат қилишни ўз бурчи ва ҳаётий маслаги деб билиш; умумбашарий ва миллий қадриятлар руҳида фикр юритиш, кенг дунёқараш ва юксак ахлоқ соҳиби бўлиш;

танлаган мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиш ҳамда камида битта хорижий тилни аъло даражада билиш.

Ўзбекистонни, унинг маориф мактаби ва илмий анъаналарини чет элда муносиб тақдим этиш, танланган мутахассислик бўйича замонавий билимларни эгаллаш қобилиятини намоён этиш.

### 5. Қайси ўқув тизимлари бўйича таҳсил олса бўлади?

Номзодлар (2 йилдан ортиқ бўлмаган) магистратура дастури бўйича таҳсил олиш имкониятини қўлга киритиш учун танловда қатнашадилар.

### 6. Докторантурага ҳужжат топшириш имконияти борми?

Ҳозирги босқичда ўқиш фақатгина магистратура дастурида назарда тутилган.

### 7. Қайси чет эл давлатларида таҳсил олиш имконияти берилади?

Европа ва АҚШ олий таълим муассасаларида, шунингдек Россияда (фақат маълум йўналишлар учун).

### 8. Қандай йўналишлар бор?

Номзодлар қуйидаги йўналишлардан бирида **магистратура дастурида** ўқиш имкониятини берувчи танловда иштирок этадилар:

1. Қайта тикланувчи энергия манбалари;
2. Кимё;
3. Сув ва ер ресурсларини бошқариш;
4. Машинасозлик технологиялари;
5. Озиқ-овқат технологиялари;
6. Озиқ-овқат хавфсизлиги;

7. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва маркетинги;
8. Шаҳарсозлик (архитектура);
9. Тарихий обидаларни муҳофаза этиш ва қайта тиклаш;
10. Маҳсулот дизайни;
11. Саноат дизайни;
12. Меъморчилик дизайни;
13. Рассомлик.

**9. Менинг мутахассислигим юқорида этиб ўтилган йўналишлардан бирига тўғри келишини қаердан билишим мумкин?**

Номзодларга қулайлик яратиш ҳамда ҳолислик наздида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мутахассисликлар классификатори тайёрланди. Ушбу классификатор ёрдамида танловда қатнашиш истагини билдирганлар ўз мутахассисликларини юқорида қайд этилган йўналишлардан бирига тўғри келиш келмаслигини аниқлаб олишлари мумкин.

«Мутахассисликлар классификатори» файли @fondkarimov Telegram каналига юклатилган.

**10. Ҳужжатлар рўйхати?**

Ислом Каримов номидаги республика хайрия жамоат фонди грантини олиш бўйича танловда иштирок этиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати, *онлайн* равишда қабул қилинади.

№	Ҳужжат номи
1.	Фонд томонидан тасдиқланган шаклдаги танловда иштирок этишга ариза
2.	Олий таълим муассасаси ректори (ташқилот, корхона, муассаса раҳбари) номидан танловда муносиб номзод сифатида иштирок этиши тўғрисида “Тавсиянома”
3.	Фонд томонидан тасдиқланган шаклдаги “Шахсий варақ”
4.	Паспорт нусхаси
5.	Олий таълим муассасасини битирганлиги тўғрисидаги Диплом нусхаси
	ёки олий таълим муассасасининг охириги босқичида муваффақиятли таҳсил олаётганлиги тўғрисида ректордан маълумотнома
6.	Низомдан кўчирма

**11. Ҳужжатларнинг асл нусхасини топшириш керакми?**

Онлайн тизимдаги ҳужжатлар қабули тугагач, якуний регистрациядан ўтиш учун танлов иштирокчилари талаб этилган ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этишлари зарур.

**12. “Бюджет”да грант асосида таҳсил олганлар танловда қатнашиши мумкинми?**

Агар танловда қатнашиш истагини билдирган апликант бакалаврият ёки магистратурани грант асосида ўқиган бўлиб, грант берувчи олдида мажбуриятлари бўлса, грант берувчидан ёзма равишда танловда қатнашиш учун ҳамда ғолиб бўлса чет элда ўқишга рухсат берувчи хат бўлиши керак.

**13. Ҳужжатлар қабули қачон бошланади?**

Ҳужжатлар қабули 2017 йилнинг **6-18 ноябрь кунлари** бўлиб ўтади.

#### 14. Ҳужжатлар қаерда қабул қилинади?

Бу йил ҳужжатлар Интернет орқали электрон форматда *онлайн тизимда* қабул қилинади.

#### 15. Керакли саналар?

№	Босқич	Сана*
1	Ҳужжатлар қабули	6 - 18 ноябрь
2	<b>I босқич: Чет тилидан махсус сараловчи имтиҳон</b>	20 - 25 ноябрь
3	Чет тили имтиҳон натижаларини эълон қилиниши	26 - 27 ноябрь
4	<b>II босқич: Мутахассислик бўйича имтиҳон</b>	28 ноябрь - 2 декабрь
5	Имтиҳон натижаларини эълон қилиш	2 - 4 декабрь
6	<b>III босқич: Мутахассислик бўйича оғзаки имтиҳон</b>	5 - 8 декабрь
7	Имтиҳон натижаларини эълон қилиш	9 - 12 декабрь
8	<b>IV босқич: Маънавий психологик ҳислатларни аниқловчи тест ва суҳбат</b>	13 - 15 декабрь
9	Имтиҳон натижаларини эълон қилиш	16 - 18 декабрь
10	<b>V босқич: Чет тилидан хал қилувчи расмий имтиҳон</b>	<b>6.01.2018 - IELTS;</b> 8-12.01.2018 - бошқалар
11	Танлов якуний натижаларини эълон қилиш	23 январга қадар

\* имтиҳон саналари маълумот учун берилган, ўзгариш эҳтимоли бор. Барча янгиликлар Telegram тармоғида очилган @fondkarimov каналида эълон қилинади.


#### 16. Фонд қаерда жойлашган?

Ислом Каримов номидаги республика хайрия жамоат фонди қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 24-уй.

##### а. Қандай етиб олса бўлади?

Фондга жамоат транспортдан метро ёрдамида (Ҳамид Олимжон станцияси) етиб олса бўлади (қулайлик учун харитага қаранг)

##### б. Манзил харитаси



##### с. Мўлжал:

Мирзо Улуғбек  
истироҳат боғи,  
Банк-молия

академияси биноси, “Сен ёлғиз эмассан” республика жамоатчилик болалар жамғармаси биносида.

#### 17. Фонд иш соатлари?

Иш кунлари: душанба-жума

Иш вақти: 9:00 – 17:00

Тушлик вақти: 13:00 – 14:00

## 18. Танлов нечта босқичдан иборат?

Танлов беш босқичдан иборат.\*

1	2	3	4	5
Чет тилидан махсус сараловчи имтиҳон	Мутахассислик бўйича имтиҳон	Мутахассислик бўйича оғзаки имтиҳон	Маънавий психологик ҳислатларни аниқловчи тест ва суҳбат	Чет тилидан хал қилувчи расмий имтиҳон

\*Агар қатнашчиларнинг сони кўпайиб кетса, ҳаққонийлик асносида муносиб номзодни аниқлаш мақсадида *чет тилида танланган мутахассислиги бўйича қўшимча ёзма имтиҳон* ўтказилади.

## 19. Имтиҳонлар:

### а. Қаерда бўлиб ўтади?

Имтиҳон бўлиб ўтадиган манзил олдиндан эълон қилинади. Барча янгиликлар фонднинг интернет саҳифаларида, шунингдек Telegram тармоғида очилган @fondkarimov канали орқали мунтазам равишда эълон қилинади.

### б. Имтиҳон топшириш учун қандай ҳужжатлар керак?

Номзод имтиҳонга паспорт (оригинал) ҳамда якуний регистрацияда берилган индивидуал тартиб рақами кўрсатилган ҳужжатни олиб келиши шарт.

### с. Ким ўтказди?

Ҳар бир имтиҳон махсус таклиф этилган тегишли соҳада кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар, тегишли соҳа йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ўтказилади.

### д. Имтиҳон натижаларини ким текширади?

Имтиҳонларни ҳамкор ташкилотлардан бириктирилган ҳамда мутахассис профессор-ўқитувчилардан иборат махсус ташкил этилган гуруҳ аъзолари текширади.

### е. Қаерда эълон қилинади?

Имтиҳон жавоблари Telegram тармоғида очилган @fondkarimov канали орқали мунтазам равишда эълон қилинади.

## 20. Қатнашчининг махсус чет тили билим савиясини тасдиқловчи халқаро тоифадаги сертификати бўлса имтиҳон топшириш шартми?

**Биринчи босқичда** таҳсил олинган мамлакатга тегишли бўлган чет тили бўйича умумий билим даражасини аниқловчи махсус тестлар ўтказилади. Танлов иштирокчисида халқаро нуфуздаги чет тили бўйича олинган расмий сертификат бўлса, иштирокчи биринчи босқичдаги тестдан озод этилади, шу шарт биланки, агар сертификатдаги кўрсаткич **IELTS** бўйича **6,5** балл (ҳар бир модул бўйича 6 балдан кам

бўлмаган шарт билан), **немис ва француз** тилидан камида - **В 2** кўрсаткич бўлиши ҳамда сертификатнинг амал қилиш муддати бир йилдан кам бўлмаслиги керак.

Инглиз тили бўйича махсус тил имтиҳони Фонд ходимлари ёки Британия кенгаши вакиллари; немис тили бўйича – Ўзбекистон Республикасидаги Германия элчихонаси (ёки DAAD); француз тили бўйича – Ўзбекистондаги Альянс Франсез вакиллари томонидан ўтказилади. Ушбу босқич иштирокчиларига тест топширганликлари ва натижалари тўғрисида сертификат берилмайди.

**21. Иш малакаси керакми?**

Магистратура босқичи бўлганлиги сабабли қатнашчининг танланган мутахассислик бўйича камида 2 йиллик иш малакаси бўлиши мақсадга мувофиқ.

**22. Тавсиянома керакми?**

Керак. Тавсиянома олий таълим муассаси ректори (ёки корхона, ташкилот, муассаса раҳбари) томонидан қатнашчи танловда иштирок этиши учун тақдим этилиши лозим.

**23. Бир нечта мутахассисликларга бирданига топширса бўладими?**

Номзод фақат битта мутахассисликга ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга.

**24. Танлов давомида йўналишни ўзгартирса бўладими?**

Бирламчи танланган мутахассислик йўналишини танлов мобайнида ўзгартириш мумкин эмас.

**25. Тиббиёт маълумотномаси керакми?**

086 шаклдаги тиббиёт маълумотномаси танловнинг барча босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодлардан талаб қилинади.

**26. Фонд билан қандай боғланса бўлади? Маълумот учун қаерга мурожаат қилиш керак?**

Танлов масаласида фонд ишчи гуруҳига қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин: **237-34-20, 237-38-13.**

**27. Фонд стипендиатига қандай мажбуриятлар қўйилади?**

Фонд стипендиати билан махсус шартнома тузилади, унга асосан стипендиат ўқишни муваффақиятли битиргач, Ўзбекистонга қайтиб, фонд белгилаган корхона/муассасада 3 (уч) йил ишлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**28. Ислом Каримов номидаги фонднинг таълим грантлари бўйича ўтказилган биринчи танлови ҳақидаги маълумотни қаердан билишим мумкин?**

Бу маълумотни Ислом Каримов номидаги Фонднинг расмий сайтидан билишингиз мумкин: <http://fondkarimov.uz/uz/projects/granty-na-obuchenie-za-rubezhom/>